

Арафа кунининг фазилатларидан бенасиб қолманг!



06:51 / 18.08.2018 8038

Бу кун қилинган дуолар энг афзал дуодир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Дуоларнинг яхшиси арафа кундаги, мен ва мендан олдинги набийларнинг **“Лаа илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъала кулли шайин қодийр”**, деб айтган дуосидир”, дедилар.

Маъноси: “Яккаю ёлғиз Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Унинг шериги ҳам йўқ. Мулк Уникидир. Унга ҳамд бўлсин. У ҳар бир нарсага Қодирдир” (Имом Термизий ривояти).

Бу кундан кўра дўзахдан кўп озод бўладиган кун йўқ. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **“Арафа куни, Аллоҳ бандаларни дўзахдан кўп озод қилганчалик бошқа бирор кун йўқ!”** (Имом Муслим ривояти).

Аллоҳим! Бизларни, ота-оналаримизни, фарзандларимизни, аёлларимизни, дўстларимизни ва барча мўмин-мусулмонларни жаҳаннам оловидан асра!

Бу куннинг бомдод намозидан бошлаб такбир айтилади. “Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар! Лаа илааҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар! Аллоҳу акбар ва лиллааҳил ҳамд”.

Бу кун тугилган рўза икки йиллик гуноҳларга каффорот бўлади. Абу Қатода розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **“Арафа кунининг рўзаси ундан олдинги ва ундан кейинги йиллардаги гуноҳларга каффорот бўлади деб Аллоҳдан умид қиламан”**, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Арафа куни рўзасини тутишни унутманг! Бунда бошқаларга ҳам ўрнак бўлинг.

Даврон НУРМУҲАММАД

тайёрлади
muslim.uz